

Маҳаллаларда “Қадриятлар қадар топган юрт” шиори остида сумалак сайллари ташкил этилмоқда



Айни кунларда халқимизнинг қадимий урф-одатлари, умрбоқий анъана ва қадриятларини ўзида ифода этган Наврўзи олам тадбирлари, байрам сайллари давом этмоқда.

Термиз тумани 3-сектор ҳудудидаги маҳаллаларда ҳам “Қадриятлар қадар топган юрт” шиори остида сумалак сайли ўтказилди.

Тадбирга маҳалланинг янги келинлари таклиф қилиниб, уларнинг чаққонлиги, пазандалик ва чеварлик маҳоратлари синовдан ўтказилди.

Дошқозон атрофида жам бўлган маҳалланинг кайвони аёллари томонидан миллий ва қадимий куй-қўшиқ ва лапарларнинг ижро этилиши барчага бирдек хурсандчилик ва юқори кайфият улашди.